

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

«ЎСИМЛИКШУНОСЛИК» КАФЕДРАСИ

ДАЛА ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ЗАМОНАВИЙ

ТЕХНОЛОГИЯСИ

**5А620202-ўсимликшунослик мутахассислиги бўйича магистрларга
тайёрланган маърузалар матни.**

Тошкент-2003

Тавсия этилаётган маърузалар матни «Дала экинларини етиштириш замонавий технологияси» бўйича, олий ўқув юртлари орасида илмий услуби кенгашида тасдиқланган намунавий дастур асосида тузилган. Бунда дала экинларнинг аҳамияти ва ишлаб чиқариш кўлами, ишлатилиш тарихи, систематикаси, биологияси, ривожланиш даври, онтогенез босқичлари, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги каби асосий кўрсаткичларни ўз ичига олади. Хар бир мавзу бўйича магистрантларнинг мустақил изланишлари учун адабиётлар келтирилган.

Маъруза матни фанни мукамал ўрганишга ёрдам беради . Маърузалар матнидан нафақат магистрантлар балки аспирантлар ва илмий ходимлар ҳам фойдаланиши мумкин.

Тузувчилар: к.х.ф.д.профессор З.Умаров
к.х.ф.д.профессор Х.Н.Атабаева.
ассистент Ж.Б.Худойкулов.

Тақризчи: к.х.ф.д. профессор И.В.Массино.

Тезислар матни «Ўсимликшунослик» кафедраси йиғилишида муҳокама қилинди (№7 баённома 3 февраль 2003 йил),агрономия факультетини илмий методик кенгашида (04.02.03 №5) ва университет илмий кенгашида (27.03.03.№6) тасдиқланди.

МАЪРУЗА МАВЗУЛАРИ

№	Маъруза мавзулар.	Соат
1	Кириш; фаннинг мақсад ва вазифаси, фаннинг ютуқлари ва муаммолари.	2 соат
3	Донли экинларни умумий тавсифи, гуруҳлар, кузги ва баҳори экинлар.	2 соат
4	Кузги буғдойни етиштиришни замонавий технологияси.	2 соат
5.	Лалмикор ерларда буғдой етиштириш технологияси.	2 соат
6.	Кузги арпани етиштириш замонавий технологияси	2 соат
7	Сули, жавдарни етиштириш замонавий технологияси	2 соат
8	Маккажўхорини ахамияти ва етиштириш технологияси.	2 соат
9	Жўхори ахамияти ва етиштириш технологияси.	2 соат
10	Шолини ахамияти ва етиштириш технологияси.	2 соат
11	Тариқ, маржумак етиштириш технологияси.	2 соат
12	Дон-дуккакли ўсимликларни умумий тавсифи. Сояни етиштириш технологияси.	2 соат
13	Нўхат ва ловия етиштириш технологияси	2 соат
14	Картошкани ахамияти, келиб чиқиши, тарқалиши ва етиштириш технологияси	2 соат
15	Қанд лавлаги ахамияти, келиб чиқиши, тарқалиши ва етиштириш технологияси.	2 соат
16	Мойли экинларни умумий тавсифи; кунгабоқарни етиштириш технологияси.	2 соат
17	Махсар, кунжут, экинларни етиштириш технологияси.	2 соат
18	Ер ёнғоқ ва канақунжут экинларни етиштириш технологияси.	2 соат
19	Толали экинларни умумий тавсифи; канош етиштириш технологияси	2 соат
20	Тамаки ва махорка етиштириш технологияси	2 соат

Жами 40 соат

Амалий машғулотлар мавзулари

№	Мавзу номи	Соат
1.	Донли ўсимликларни умумий морфологияси ва гуруҳлари.	2
2	Донли ўсимликларни ривожланиш даврлари	2
3	Буғдой, турлари ; юмшоқ ва каттиқ буғдой тавсифи, асосий навлари.	2
4	Арпа ва маккажўхорини морфологияси , тур хиллари ва навлари.	2
5	Жўхори ва шолини морфологик белгилари, турлари ва навлари	2
6	Дон-дуккакли ўсимликларни умумий морфологияси, нухат, соя, ловия, мош.	2
7	Беда, қизил беда баргак систематикаси ва морфологияси.	2
8	Мастак, оқ сухта, эркак ўт систематикаси ва морфологияси.	2 соат
9	Картошка систематикаси, морфология ва навлари.	2 соат
10	Қанд лавлаги систематикаси ва морфологияси.	2 соат
11	Тамаки илдиз мевалилар, хашаки лавлаги, шолғом, хашаки сабзи.	2 соат
12	Кунгабоқар систематикаси, морфологияси ва навлари.	2 соат
13	Махсар, кунжут систематикаси, морфологияси ва навлари	2 соат
14	Зиғир, ерёнғоқ, канакунжут систематикаси, морфологияси.	2 соат
15.	Каноп систематикаси, анатомияси, морфологияси ва навлари	2 соат
16	Судан ўти, хашаки карам систематикаси, морфологияси.	2 соат
17	Оралиқ экинлар, тавсифи, агротехник календар режаси	2 соат
18	Тамаки ва махорка, систематикаси, морфологияси	2 соат
19	Уруғликка бўлган талаб, давлат андозаси.	2 соат
20	Уруғлик сифатларини аниқлаш.	2 соат

1. Мавзу. Ўсимликшунослик-қишлоқ хўжалигини асосий тармоғи

Режа:

1. Фаннинг мақсад ва вазифаси.
2. Интенсив замонавий технология.
3. Юқори ҳосил олишда интенсив замонавий технология элементларини аҳамияти.

Дала экинларини етиштириш технологияси билан ўсимликшунослик фани шуғулланади. Бу фан қишлоқ хўжалик фани ҳисобланиб, унинг мақсади дала экинларидан юқори ҳосил олиш ва шу ҳосилнинг сифатини яхшилашдан иборат.

Дала экинларини ҳосилдорлиги ва маҳсулотнинг сифати уларни етиштириш технологиясига боғлиқ. Шу сабабдан бу фаннинг вазифаси дала экинларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат. Бу технология ҳозирги замонавий интенсив технология бўлиши керак, яъни бундай технология дала экинларидан энг юқори ҳосил берадиган бўлиши керак. Дала экинларини етиштириш интенсив замонавий технологияси, бу юқори ҳосил етиштиришни таъминлайдиган, минтақани тупроқ иқлим шароитига, ўсимликларни биологик хусусиятларига мос келадиган агротехник тадбирларни ўз вақтида юқори сифатда ўтказиш мажмуасида.

Интенсив замонавий технология ҳар бир минтақада ишлаб чиқариш ва фан ютуқларига асосланган агротехник тадбирлар ҳисобланади. Интенсив технология ҳар бир агротехник тадбирларни ўтказишни тўла машиналаштиришни қўл кучини камайтириш ҳисобига кам харажат қилиб юқори ҳосил олиш демакдир.

Бунда ҳамма технологик жараёнлар ўсимликнинг яхши ўсиши, ривожланиши, экинларга энг муқобил шароит яратишга қаратилган бўлиши керак.

Бу тадбирлар куйидагиларни ўз ичига олади.

1. Маълумки ҳар бир экинни бир ерда сурункасига етиштиришда ҳосилнинг камайишига маълум бир турда ҳашаротларни, касалликларни кўпайишига олиб келади. Шу сабабдан дала экинлар қайси ўтмишдош экиндан кейин экиш катта амалий аҳамиятга эга. Шу сабабли илмий асосланган экинларни навбатлаб экиш қонуниятларига амал қилиш керак.

2. Ерга ишлов бериш асосий агротехник тадбирлардан ҳисобланиб, асосий ишлов ерни экин экишдан олдин ишлаш тадбирларини ўз ичига олади. Бу тадбирларни муқобил муддатларда, тупроқ шароитига қараб ўтказишни талаб қилади. Тупроққа ишлов, экинни илдиз системаси яхши ривожланишини, тупроқни сув, ҳаво, режимларини яхшилашга ва унумдорлигини оширишга қаратилган бўлиши керак.

3. Экинларни ўғитлаш мажмуаси. Бу масала анча мураккаб бўлиб, ўғитларни тури, меъёри ва ўғитлаш муддатлари ҳар бир экинга ишлаб чиқилган илмий асосланган тадбирларга амал қилган ҳолда бажариш керак.

4. Экиш – экинни экиш бу ҳам жуда маъсулиятла агротехник тадбирлардан ҳисобланиб, у ўз ичига уруғнинг сифати, уни экишга тайёрлаш,

экиш муддатлари, усуллари ва экиш меъёри, уруғни экиш чуқурлигини ўз ичига олади. Бу агротехник тадбирлар бўйича экинлар бир-биридан фарк қилади. Шу сабабдан ҳар бир экин учун унинг биологик хусусиятларига мувофиқ ишлаб чиқилган агротехник тадбирлар асосида олиб бориш керак. Бундан ташқари бу тадбирда керакли бўлган энг муқобил ўсимлик қалинлиги билан таъминланиши керак.

5. Экинни парвариш қилиш – бегона ўтларга қарши кураш, яганалаш, қатор ораларини ишлаш, баъзи бир ўсимликларда қўшимча чанглаш, озиклантириш ва суғоришдан иборат. Бу тадбирлар ҳам экинни турига қараб олиб борилади. Бу даврда экиннинг муқобил ўсиши ва ривожланиши учун шароит туғдириб берилади ва экинни юқори ҳосил бериши бу тадбирларни ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказишга боғлиқдир.

6. Ҳосилни йиғиштириб олиш. Ҳосилни йиғиш муддатини тўғри аниқлаш зарур.

Ҳосилни машиналарда йиғишда уларни таъмирлаб қўйиш ва ўрим-йиғимда нобудгарчиликка йўл қўймаслик керак.

Адабиётлар:

1. Г.С.Посўпанов- Растениеводство-М.Колос,1997,с.46-48
- 2.Х.Атабаева ва бошқ-Ўсимликшунослик-Т.Меҳнат, 2000,275 б

Лаборатория машғулоти № 1

Дон экинларининг экиш меъёрини ҳисоблаш

Дон экинларининг режалаштирилган ҳосилига, уруғ сифатига, экиш муддатига қараб экиш меъёрини аниқлаш, ҳисоблаш усулини ўзлаштириш.

2-мавзу.Донли экинларнинг аҳамияти ва дон етиштириш ҳолати.

Режа:

1.Донли экинларнинг аҳамияти.

2.Ўзбекистонда ва дунё миқёсида дон ишлаб чиқариш ҳолати.

Донли экинлар инсон учун энг зарур бўлган асосий озиқ-овқат, ун ва нон маҳсулотларини беради. Нон-инсон тарафидан уйлаб топилган энг буюк неъматдир. Нон-халқимиз меҳнати, аждодларимиз меҳнати маҳсулидир. Дунёда нондан азиз, нондан бебаҳо нарсанинг ўзи йўқ. Нон бугунни эрта билан боғловчи буюк бир неъматдир. Нонни ўрнини ҳеч нарса босолмайди, у ҳар куни инсон учун зарур.

Буюк рус олими Иван Петрович Павлов ёзганидек “Инсон ҳаётидаги ҳамма кўринишларда бекорга нон тўғрисида қайғурмайди”.(2) Олимнинг бу гапи Ўзбекистон Республикаси Президентининг дон етиштиришни ривожлантириш халқ хўжалигини нон маҳсулоти билан таъминлаш тўғрисидаги қарорида исботлаб берилди.

Ватанимиз Мустақиллигининг биринчи йилидан бошлаб донли экинларнинг жумладан буғдойнинг экин майдонларини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Бизнинг давлатимиз ҳудудида буғдой ва бошқа донли экинлар яхши ривожланиши ва юқори ҳосил беришга шубҳаланмаса ҳам бўлади, чунки деҳқончилик тарихидан маълум бўлишича буғдой етиштириш билан бундан 11 минг йил олдин шуғулланган. Шунингдек 20ц гача сиғадиган бир нечта дон омборлари, буғдой дони ва арпа, дон кирғичи ва бронзадан тайёрланган ўроқлар топилган. Бизнинг эрамизгача бўлган 1 минг йил олдин темир аср даврида-йирик ирригация иншоатлари қурилган ва буғдой экин майдонлари кенгайтирилган.(1)

2.Тарихий шароитга кўра, бу ҳол ўзгариб боради. Советлар ҳукум сурган йилларда меҳнат ихтисодини тақсимлашда Ўзбекистон пахтачилик билангина шуғулланди .Мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб пахта монополияси тўхтатилди ва пахта билан бир қаторда буғдой ҳам етиштирила бошланди. 1-жадвалда берилган маълумотдан бизнинг республикамизда дон етиштиришнинг кенгайганини кўриш мумкин.

1.Ўзбекистонда дон етиштириш.

Йиллар	Экин майдони Минг/га	Ҳосилдорлик Ц/га	Умумий етиштириш, Минг/га
1996	1383,7	18,9	2616,3
1998	1322,3	23,0	3895,2
2000	1164,8	26,8	3126,5
2002	1241,0	42,0	4700,0

Қабул қилинган тадбирга кўра 1998 йил 3,8 млн т дан ортиқ дон етиштириб Ўзбекистон дон мустақиллигига эришди, республика аҳолисини озиқлантириш учун шунинг ўзи етарли, лекин бу дегани ҳаммаси ҳал бўлди дегани эмас. Дон етиштиришни бундан нари ривожлантириш, шу сингари чорвачиликни ҳам қимматли ем-хашак билан таъминлаш, енгил саноатни эса хом-ашёга бўлган талабини қондириш зарур. Бундан ташқари етиштирилаётган донни сифат кўрсаткичлари халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган бўлиши учун ҳаракат қилиш керак.

2.Дунёда дон етиштириш ҳолати. ФАО 2000 йил маълумоти бўйича(3)

Экин тури	Экин майдони, Минг. Га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Умумий етиштирилган Млн.т
Буғдой	215180	27,06	582223
Шоли	153458	38,63	592873
Маккажўхори	137549	43,36	596412

Арпа	55698	24,40	135915
Тарик	36161	7,52	27186
Жавдар	9896	29,75	20532
Сули	14416	18,11	26115
Жўхори	42805	13,91	59536
Соя	73553	22,09	162480
Чечевица	3392	9,51	3226

Адабиёт:

1. Атабаева Х., З. Умаров, Х. Бўриев-Ўсимликшунослик - Т. Меҳнат, 2000, 272б.
2. Барўкин К-Хлеб, которўй мў едим-М.Изд.политической литературы, 1982, с.5-20
3. FAO Bulletin of Statistics Vol. 1 № 2, 2000, p. 18-38.

Лаборатория машғулоти №2

Дон экинларининг ўғитлаш меъёрини аниқлаш

Машғулотда режалаштирилган ҳосилга, экиннинг биологиясига, тупроқнинг унумдорлигига асосланиб ўғит меъёрини ҳисоблашъусули билан танишади.

3-мавху. Кузги буғдойнинг зпмонавий етиштириш технологияси

Режа

1. Ўтмишдош
2. Экиш
3. Экинларни парваришлаш

Ўтмишдошги. Буғдой тупроқнинг унумдорлигига , бегона ўтлардан тоза ва нам билан яхши таъминланган бўлишига талабчан. Барқарор мўл ҳосил олиш учун буғдойни алмашлаб экишда тўғри жойлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Кузги буғдойни суғориладиган ерларда эртаги экинлардан бўшаган ерларга экиш лозим.

Баҳорги буғдойни илдиз системаси кучсизроқ шакллангани учун тупроқдан нам ва оқиқа моддаларини мингдириш хусусияти пастроқ бўлади. Шу хусусиятларига кўра баҳорги буғдойни алмашлаб экишда кузги буғдойдан, чопикталаб экинлардан кейин экиш мумкин. Ўзбекистон шароитида баҳорги буғдойни ғўза, маккажўхори ва бошқа экинлардан кейин экиш мумкин.

3. Ўтмишдошларнинг кузги буғдой дон ҳосили ва сифатига таъсири.

(Безостая-1 нави) (1).

Ўтмишдошлар	Дон ҳосили, ц.га	Шишаси монлиги, %	Қурук оқсил, %	Клейковина, %	Нон хажми, См ³
Қора шудгор	37,8	82,0	12,81	30,4	512
Нўхат	22,4	76,5	12,16	28,9	485

Силос учун маккажўхори	18,0	68,0	11,96	28,9	491
Кузги буғдой	17,6	73,5	11,99	28,1	485
Арпа	16,0	72,0	12,26	29,5	489

Ўтмишдошлар доннинг кимёвий сифат кўрсаткичларигагина эмас, шунингдек унинг физик таркибига ҳам таъсир этади. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

4. Ўтмишдошларнинг кузги буғдой донининг физик таркибига таъсири. (2)

Ўтмишдошлар	Бирлик(натур а), г	1000 дона уруғ вазни, г	Шишасимонлиги,%
Қора шудгор	815	40,5	90,0
Баргак 1-ўрим	813	40,8	93,0
Маккажўхори-кўкат озика учун	813	42,8	90,3
Дон учун нўхат	830	43,4	84,5
Кузги буғдой	837	41,7	95,0
Силос учун маккажўхори	829	40,3	85,0
Дон учун маккажўхори	832	39,0	75,0

2.Ерни экишга тайёрлаш ва ўғитлаш. Кузги буғдой экиладиган ерларни ишлаш ундан олдин шу майдонда экилган экин турига ва даланинг бегона ўтлардан зарарланиш даражасига қараб ишланади. Баҳорги буғдой ҳам яхши ишланган тупроқларни хоҳлайди. Шу сабабдан кузги ва баҳорги буғдой экиш учун ер кузда 25-30 см чуқурликда шудгор қилинади. Кузги буғдой экиш учун камида 30 кун қолганда ер ҳайдалади, оғир борона ва зичлагичлар билан зичланади. Баҳори буғдой экишдан олдин шудгорга борона ва мола босилади.

Ўғитлаш. Умуман буғдой ернинг унумдорлигига талабчан бўлади. Режалаштирилган ҳосилни олиш учун ерга солинадиган ўғитлар меъёри агрокимёвий картограмма маълумотларига асосан, ердан ҳосил билан чиқиб кетадиган озик моддалар, экин ўзлаштирадиган озик элементлар миқдорига қараб ерга солинадиган ўғит миқдори белгиланади. Азотга талабчан, у най ўраш ва бошоқлаш даврида азотли, ўсишнинг дастлабки 4-5 хафтасида фосфорли ва ўсиш даврининг бошидан то гуллагунга қадар калийни кўп талаб қилади. Ўзагротхимсервиснинг Агротхимия илмий маркази маълумотларига қараганда 30 дан 50 центнергача ҳосил олиш режалаштирилганда N-220 P- 155 K-70 кг берилиши керак. ўғитлар асосан кузда. Экиш даврида ва озиклантиришда берилади.

Экиш муддатлари ва меъёри. Суғориладиган ерларда кузги буғдойни лалми ерларга нисбатан эрта экиш мумкин. Лалми ерларда эса кузги

ёғингарчиликдан олдин экилади. Шунга кўра кузги буғдой шимолий минтакаларда сентябр ойининг биринчи ярми ва қолган бошқа вилоятларда октябр ойининг биринчи ўн кунлигида экиш керак.

Уруғнинг экиш меъёри уруғнинг сифатига, тупроқ унумдорлигига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб ҳар хил бўлади. Лалми ерларда экиш меъёри камроқ бўлади. Текислик ва дўнгли текислик зоналарида каирок уруғ сарфланади. Шунга кўра бир гектар ерга 2,0-2,5 млн.дона яъни 60-70 кг дан 120-125 кг гача уруғ сарфланади. Суғориладиган ерларда кузги буғдойни экиш меъёри 4-5 млн дона уруғ яъни 200-250 кг. гача экилади. Баҳорги буғдойни мумкин қадар эрта баҳорда феврал. Март ойининг бошларида экиш керак. Экиш меъёри эса кузги буғдойга нисбатан камроқ бўлади. Суғориладиган ерларда 1 гектарга 3,5-4.0 млн дона 120-150 кг экилади. Лалми ерларда эса кузги буғдойни экиш меъёрига яқин бўлади.

Лалми ерларни текислик ва дўнгли текислик зоналарида кузги буғдойни тоза шудгорга, ундан юқорироқ зоналарда тоза шудгордан ташқари банд шудгорга экиш фойдали ҳисобланади.

Кузги буғдойни парвариш қилиш. Буғдойни парвариш қилиш кузги ва баҳорги буғдойда бир бирига ўхшаш яъни кузги буғдой эрта баҳорда тупланишдан олдин борона қирлинади. Баҳорги буғдойни ҳам эрта экилган бўла борона қилин мумкин. Барона қилишдан олдин буғдойни озиклантириш керак. суғориладиган ерлардаги асосий тадбирлардан бири экинларни суғориш ҳисобланади. Умуман кузги ва баҳори буғдойни шароитга қараб 3-4 марта суғорилади.

Ҳосилни йиғиш. Буғдойни ўримга мум пишиш даврининг охирларида киришилиб. Камбайнларда йиғиб олинади амалий машғулот жараёнида ҳамма буғдой турлари (27) ҳақида маълумотлар берилади ва асосан юмшоқ ва қаттиқ бу дой турлари ўрганилади. Сўнгра юмшоқ ва қаттиқ бу доннинг махсус туманлаштирилган буғдой навлари ўрганилади.

Адабиётлар:

1. Г.С.Пасўпанов.Растениеводства. М.Колос. 1997 127-144 б.
 2. Х.Н.Атабаева, 3. Умаров, Х.Ч.Бўриев ва бошқалар Ўсимликшунослик Т.Меҳнат-2000, 66-77 б.
 3. З.Умаров, Х.Н.Атабаева, А.Алимов Нон ризқимиз рисола. Т.Наврўз 1994. 17-25 б.
- Ж."Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги",2000,3, 27-31б, 1998,4, 31-32 б.

Лаборатория машғулоти №3

Кузги буғдойнинг технологик картасини тузиш

Талабалар ҳархил тупроқ шароитига, режалаштирилган ҳосилга технологик карта тузишади.

4 мавзу: “Кузги арпа, сули, жавдарни етиштириш технологияси”.

Мавзу режаси:

1. Кузги арпанинг ахамияти, етиштириш технологияси.

2. Сулининг ахамияти, етиштириш технологияси.
3. Жавдарни ахамияти, етиштириш технологияси.

1. Арпанинг ахамияти, келиб чиқиши, тарқалиши ва етиштириш технологияси.

Арпа халқ хўжалигида озиқ-овқат сифатида ишлатилиши билан бир қаторда у асосан чорва моллари учун озиқа сифатида ишлатилади. Икки қаторли арпа пиво тайёрлаш учун ишлатилади. Кузда экиладиган арпа навлари кузги ёки ярим кузги (двурак) бўлиб, булар совуққа чидамли бўлади. Ўзбекистонда арпа асосан кузда экилиши керак. Чунки кузги арпа бахорги арпага нисбатан юқори ҳосил беради, эрта пишади ва такрорий экин экишга яхши имкон туғдиради.

Арпа жуда қадимий экин. Марказий осийё худудида жуда қадимдан экиб келинганлиги маълум. 1954 йилда ўтказилган археологик қазишлар натижаларига қараганда Туркманистонни Жойтун вилоятида топилган арпа дони Неолит даврида, яъни миллоддан 500 йил аввал экилганлиги исботланган.

Ҳозирги вақтда арпа дунёнинг жуда кўпчилик мамлакатларида Европа, осийё, Америка, қитъасида, Австралияда экилади. Бутун дунё бўйича унинг экин майдони 67 млн. гектарни ташкил қилади. Ўзбекистонда арпа лалми ва суғориладиган ерларда экилиб, лалми ерлардан 10-15 ц/га дон, суғориладиган ерларда эса 30-40 ц/га ҳосил беради.

Арпа етиштириш технологияси. Арпа учун суғориладиган ерларда яхши ўтмишдош экин қатор оралари ишланадиган ва дуккакли ўсимликлар ҳисобланади. Лалми ерларда эса тоза шудгор, дон-дуккакли ва дуккакли ўтлар ҳисобланади. Арпа ўғитга талабчан, унга кузда минерал органик ўғитлар берилади. Кузда экишдан олдин 8-10 тонна гўнг 40 кг фосфор ва 60 кг калий берилса яхши самара беради. Бахорда озиқлантиришда лалми ерларни зоналарига қараб 40-60 кг азот билан озиқлантирилади. Суғориладиган ерларда 20 тонна гўнг, 180-200 кг азот ва фосфор ҳамда 100 кг калий солинади.

5. Экиш меъёрини арпа ҳосили ва дон сифатига тъсири (2)

Кўрсаткичлар	Экиш меъёри, млн.дона. га			
	3	4	5	6
Дон ҳосили, ц.га	38,7	40,8	37,7	35,3
1000 доннинг вазни, г	49,1	48,1	45,9	45,3
2,5x2,8 мм, %элакдан ўтган донлар миқдори	99,3	99,1	92,8	97,0
Экстрактив моддалар %	80,2	80,0	80,4	80,3
Оқсил миқдори, %	10,84	10,94	11,81	11,13
Доннинг қобиқлилиги, %	8,79	8,41	8,53	8,42

Арпа экиш учун лалми ерларда ер 22-25 см чуқурликда хайдалиб, борона ва мола босилади. Арпа буғдойга ўхшаб лалми ерларни зоналарида кузги ёгингарчиликлардан олдин, суғориладиган ерларда кузги буғдой билан бир вақтда экилади. Экиш меъёри лалми ерларни тоғ ва тоғ олди зоналарида 4 млн. дона, дўнгли ва дўнгли текислик зоналарда 3,5 млн. дона, суғориладиган ерларда 4,0-4,5 млн. дона уруғ экилиши керак. Арпани парвариш қилиш бороналаш ва суғориладиган ерларда суғоришдан иборат. Вегетация даврида шароитига қараб 2-3 марта суғорилади.

2. Сули ва жавдарни ахамияти ва етиштириш технологияси.

Жавдар унидан нон тайёрланади. Сули ва жавдарни дони ва сомони чорва моллари учун тўйимли озиқа сифатида ишлатилади. Сули ва жавдар қадимги экин ҳисобланиб европада сули экини эрамиздан 1500-1700 йиллар илгари экилган. Жаҳон деҳқончилигида сулини экин майдони 17,2 млн. гектар ерни ташкил қилади. Ўзбекистонда сули дон ва кўк масса учун экилиб, майдони жихатидан арпадан кейинги ўринда туради. Сули бир гектар ердан 40-50 центнергача дон 400-500 центнергача кўк массаси беради.

Жавдар ҳам қадимги экин ҳисобланиб, эрамиздан олдин 1 асрда Италияда ва сўнг эрамизни 3-4 асрларида Керч ярим оролида кўплаб экилганлиги ҳақида маълумотлар адабиётларда кўп учрайди. Ўзбекистонда жавдар ҳам асосан кузда экилади.

Алмашлаб экишда сули ва жавдар учун энг яхши ўтмишдош экин бу чопиқталаб ўсимликлар ҳам дон-дуккакли экинлар ҳисобланади. Сули ва жавдар органик ва минерал ўғитларга, айниқса, азотга талабчан. Уларга органик ва минерал ўғитларни қўллаш яхши самара беради.

Сули ва жавдар экини учун ерни ишлаш, экиш муддатлари, миқдори ва усули ҳамда экиш чуқурлиги, шунингдек парвариш қилиш ва ҳосилни ўриб, янчиб олиш буғдой ва арпаникига ўхшаш. Кўк масса учун экилганда эса дони сут пишиш даврида ўрилганда мўл ва сифатли ҳосил олиш мумкин.

Адабиётлар:

1. С. Пасўпанов Растениеводства М. Колос. 1997 145-172
2. Х. Н. Атабаева, З. Умаров, Х. Ч. Бўриев ва бошқалар Ўсимликшунослик Т. Мехнат-2000, 78-89 бетлар.
3. Г. К. Қурбонов. Арпа, Т. Фан 1976 5-70 бетлар.
4. Ж. "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги", 1998, 4, 31-32 б.

Лаборатория машғулот № 4

Арпанинг технологик картасини тузиш

Амалий машғулотлар жараёнида арпанинг суғориладиган ва лалми ерларда етиштириш технологиясини картасини тузишади.

5-мавзу: Маккажўхорини етиштириш технологияси.

Режа:

1. Маккажўхорини халқ хўжалигидаги ахамияти.
2. Маккажўхорини етиштириш технологияси.

1.Маккажўхорини халқ хўжалигидаги ахамияти. Маккажўхори энг кимматли донли ўсимлик хисобланиб, озиқ-овқат, ем-хашак, техник ва агротехник ахамиятга эга. Озиқ-овқат сифатида маккажўхорини дони ишлатилади. Унинг дони жуда ҳам тўйимли хисобланиб, таркибида оксил моддаси камроқ бўлади. Шу сабабли маккажўхори унига 25-30% буғдой уни қўшилиб нон ёпилади. Бундан ташқари маккажўхори донидан ёрма тайёрланади. Сут мум пишиш даврида уни қовирилиб ёки қайнатиб пиширилган холда озиқ овқат сифатида ишлатиш мумкин. Унинг донидан консерва ҳам тайёрланади.

Ем-хашак сифатида унинг дони ва пояси ишлатилади. Маккажўхори пояси молларга кўклигича берилади, ундан силос ва хашак тайёрланади. Маккажўхорини техник ахамияти шундан иборатки, унинг донидан крахмал, спирт, глюкоза, сирка кислотаси, поясидан эса қоғоз, картон, ёғоч спирти, сунъий каучук, сунъий смола ва бошқа ҳар хил маҳсувлотлар олинади.

3.Маккажўхори етиштириш технологияси.

А) Маккажўхорини алмашлаб экишдаги ўрни, ўғитлаш ва ерни экишга тайёрлаш.

Маккажўхори ер танламайди. Уни ҳар қандай экиндан бўшаган ерга экиш мумкин. Маккажўхорига ғўза , донли ва дон дуккакли ўсимликлар яхши ўтмишдош экин ҳисобланади. Маккажўхори маккажўхоридан кейин ва уни такрорий экин сифатида экилганда ҳам яхши натижа беради. Маккажўхори юқори ҳосилли ўсимлик бўлганлиги учун тупрокдан жуда кўп озиқ моддалар олади ва бошқа ўсимликларга нисбатан у бутун ўсиш даврида ўғитни талаб қилади. Ўғитни асосий қисми экишдан олдин, қолган қисми экиш билан бир вақтда ва ўсимликларни ўсиш даврида берилади.

Кузги шудгордан олидин органик ва минерал ўғитлар берилади. Органик ўғит – гунг кузда ҳар гектарига 10-20 т. Солинади. Бундан ташқари кузда ҳар гектар экин майдонига 50-80 кг фосфор ва 30-50 кг калий ўғитлари солинади. Экиш вақтида гектарига 10 кг фосфор ва 10 кг калий уялаб берилганда маккажўхори ҳосили 15-20% га ошади. Озиқлантириш ҳам маккажўхори ҳосилдорлигини оширади. Ўсиш даврида маккажўхорини икки марта, 1-чи марта ўсимликда 3-4 барг ҳосил бўлганда, 2 –чи марта оталик тўп гул ҳосил бўлишига 8-10 кун қолганда озиқлантирилади. 1-чи озиқлантиришда гектарига 60-80 кг азот, 40-60 кг фосфор ва 30 кг калий, 2-чи озиқлантиришда эса 60-80 кг азот ўғити берилади. Ўғит маҳсус ўғитлагич СУЗ, НКУ, ОУК, НКУ-4,6 машиналарида берилади.

Маккажўхори экиш учун ер кузда шудгор қилинади. Тупрокни хусусиятига қараб шудгорлаш чуқурлиги 28-30 см ва ундан ҳам чуқур

бўлиши мумкин. Кўп йиллик бегона ўтлар босган далаларда кузги шудгорлашдан сўнг речагли, пружинали борона-культиватор ёки чизил ёрдамида илдиз қолдиқлари олиб ташланади.

Шурланган ерларда тупроқ шўри ювилади. Шудгор чимқирқарли ёки 2 ярусли плг ёрдамида амалга оширилади.

Экишга қадар шудгорда бегона ўтлар пайдо бўлса, баҳорда 8-10 см чуқурликда культивацияланади, кейин боронланади ва кетам – кет мола босилади.

Б) Маккажўхорини экиш, уруғини экишга тайёрлаш, экиш муддатлари, усуллари ва меъёри.

Ҳозирги вақтда уруғни ҳозирги вақтда уруғни махсус заводларда тайёрланиб хўжаликларга экиш учун берилади. Лекин уруғликни ҳар бир хўжаликда тайёрлаш мумкин. Бу ҳолда экиш давригача маккажўхори уруғлари сўтада сақланиши керак. Сақлаш даврида буларнинг намлиги 14-15% дан ошмаслиги керак. Экишга 10-15 кун қолганда уруғлар сўтадан янчиб олинади. Экиш учун сўтанинг ўрта қисмидаги донлар олинади. Сўтанинг остки ва устки(учи) қисмидаги майда ва бир хил катталиқда бўлмаганлиги сабабли униб чиқиш даражаси паст бўлади. Шу сабабли сўтанинг остки ва устки (1,5-2,5 см) қисмида ўрнашган донлар олдин уқаланиб олиниб, экиш учун ишлатилмайди. Сўнгра сўтанинг қолган ўрта қисмидаги донлар янчилади. Сўталардан донни янчиб олиш учун қўлда ҳаракатга келадиган МКР-0,25 маркали маккажўхори молотилкаси ишлатилади. Янчилган дон тозаланади ва махсус машиналарда йириклиги бўйича хилланади. Бунинг учун тозалайдиган РСМ-3, ОСМ-3У, ОД-10, Вс-8 машиналаридан фойдаланилади. Экиладиган уруғни тозалиги 99-99,8%, униб чиқиш даражаси 85-95% бўлиши керак.

Маккажўхори баҳорда тупроқ ҳарорати 10⁰ иссиқликка етганда экилади. Бундан ташқари уни ёзда такрорий экин сифатида экиш мумкин.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида 15-20 мартларда, Тошкент, Самарқанд вилоятларида ҳамда Фарғона водийсида 20-25 мартларда, Хоразм вилояти ва Қорақолпоғистон республикасида 10 апрелда экилади. Умуман ҳар бир вилоят шароитида чигитни экиш бошлангунча маккажўхорини экишни тамомлаш керак. Маккажўхори кечки муддатларда экилганда уни ҳосили анча пасаяди.

Маккажўхори кенг қаторлаб, қатор ораси 60,70,90 см қилиб экилиб, унинг навига қараб ҳар 15,20 см оралиқда биттадан ўсимлик қолдирилади. Эртапишар нав ва дурагайлар экилганда бир гектар ерда 70-80 минг ўсимлик, ўртапишар нав ва дурагайлар экилганда эса бир гектар ерда 50-55 минг ўсимлик, кечпишарларда эса 40 минг ўсимлик қолдирилади. Уруғнинг экиш меъёри 15-20 кг дан 25-30 кг бўлади.

В) Маккажўхори экинини парвариш қилиш. Экинни парвариш қилиш тупроқ қатқолоғига қарши кураш, қатор ораларини ишлаш, яганалаш, озиклантириш, суғориш ва уруғлик учун экилган майдонларда кўшимча чанглантишдан иборат. Ўсув даврида маккажўхори 3 марта культивация

қилинади. Ўсимликда ўртача 3-4 та барг хосил бўлганда биринчи культивация ўтказилади. Маккажўхори қатор оралари КНР-4,2, НКУ-4,6, КРХ-2,8 макали культиваторларда ишланади.

Маккажўхори экинида бегона ўтларга қарши гербицидлар огекан(4-6 кг/га), Стризин (3-8 кг/га) Трефлан (1-2 кг/га) гербицидлар ишлатилади.

Маккажўхори навига, тупроқ унумдорлигига қараб 3-6 марта суғорилади. 1-2 сув ўсимлик тўпгул чиқармасдан олдин барилади. Тўпгул чиқариш ва дон етилиш даврида маккажўхорини сувга талабчанлиги ортади ва бу даврда тез-тез суғориб туриш керак.

Дон учун экилган маккажўхори гуллаш даврида қўшимча сунъий равишда чанглангирилади.

Г) Маккажўхорини такрорий экин сифатида экиш.

Маккажўхорини такрорий экин сифатида кузги экинлардан бўшаган ерларга экиш алоҳида ўрин тутади. Бу ҳолда кузги экинлар тез муддатда йиғиб олинади, ер экишга тайёрланади ва уруғ экилгандан сўнг суғорилади. Умуман маккажўхори такрорий экин сифатида экилганда унинг агротехникаси баҳорда экилгандагига нисбатан кам фарқ қилади. Фақат маккажўхорининг эрта пишар нав ва дурагайлари экилиши керак. Ўзбекистонда ҳозирги вақтда Перекоп ТВ ва Ўзбекистон-306 МВ эртапишар дурагайлари экилмоқда. Бу дурагайлар такрорий экин сифатида экилганда 35-50 центнергача дон беради.

Д) Хосилни йиғиб олиш. Маккажўхори силос учун экилганда донининг сут-мум пишиш даврида ўпилади. Бунда КСК-100, ВИКР, КС-1,8 комбайнлари ишлатилади.

Дон учун экилган маккажўхори дони тўла пишганда, сўта қаторлари куриганда йиғиштириб олинади. Бунда махсус комбайнлар Херсонце-200, Херсонце-7 ишлатилади. Бу комбайнлар маккажўхорини ўриш, поясини майдалаш, сўталарни поядан ажратиб олиш ва уларни қобиғини арчиш каби ишларни бир йўла бажаради. Сўталар эса хўжаликда оддий молотилка ёки комбайнда янчилади.

Адабиётлар:

1. Г.С.Посўпанов Растениеводства М.Колос. 1997 172-183 бетлар.
2. Х.Н.Атабаева, З. Умаров, Х.Ч.Бўриев ва бошқалар Ўсимликшунослик Т.Мехнат-2000, 90-97 бетлар.

Лаборатория машғулоти № 5

Сули, жавдар, тритикале экинларининг технологик картасини тузиш

Амалиий машғулот жараёнида сули, жавдар ва тритикале экинларининг оралик экин сифатида етиштириш технологик картаси тузилади.

6-Мавзу: “Жўхорини етиштириш технологияси”

Режа:

1. Ўтмишдош, ерни тайёрлаш, экиш

2. Экинларни парваришлаш

1. Жўхорини халқ хўжалигидаги ахамияти.

Жўхори энг муҳим донли ўсимликлардан ҳисобланиб, озиқ-овқат, ем-хашак, техник ва агротехник ахамиятга эга. Жўхори донидан ун тайёрланади. Лекин уни ундан юқори сифатли нон бўлмайди. Ҳунинг учун жўхори унига 30-50% буғдой уни қўшиб нон тайёрланади.

Жўхорини пояси молларга кўк холича берилади. Ундан хашак ва донининг сут-мум пишиш даврида ўрилганда сифатли силос тайёрланади. Жўхори ўрилгандан сўнг, янги бачки поялар ҳосил қилиш хусусиятига эга, шу сабабли у бир йилда икки марта баъзан уч марта ўрим беради.

Оқжўхорини техник ахамияти шундан иборатки, унинг донидан спирт ва крахмал олинади. Қандли навларнинг поясидан шинни, супургисимон навларидан эса хўжалик супургиси ва счеткалар тайёрланади.

Нихоят жўхори агротехника ахамиятига ҳам эга, у қурғоқчиликка ва тупроқ хўрига чидамли ўсимлик ҳисобланади. Уни такрорий экин сифатида экиш мумкин. Чопиқ талаб ўсимлик бўлганлиги учун бошқа экинлар билан алмашлаб экилади. Оқжўхори жуда қадимги ўсимлик, у окватерли Африкадан келиб чиққан. Ҳозирги вақтда ҳам бу ерда оқжўхорини ёввойи турларини учратиш мумкин.

2. Жўхорини етиштириш технологияси.

А) Жўхорини алмашлаб экишдаги ўрни, ўғитлаш ва ерни экишга тайёрлаш.

Жўхори майса ҳосил қилгандан сўнг биологик ўсиш даврида жуда секин ўсади ва бегона ўт кўпайиб кетади. Секин ўсиш даври 30-40 кун давом этиши мумкин. Шунинг учун жўхори бегона ўтлардан тоза бўлган ерларни хоҳлайди. Унга ўтмишдош экин сифатида кузги донли ўсимликлар ва дон-дуккакли ўсимликлар ҳисобланади. Лекин жўхорини ҳар қандай экиндан бўшаган ерга экиш мумкин. Такрорий экин сифатида кузги донли экинлардан кейин экилади. Жўхори экиладиган ерларга органик ва минерал ўғитлар берилади. Ерни кузда шудгорлаш олдиданунинг ҳар гектарига 15-20 тоннадан чириган гўнг солинади. Тупроқнинг унумдорлигига қараб ҳар гектар жўхори экинига йил давомида 100-150 кг азот, 100-120 кг фосфор ва 50-60 кг калий ўғитлари берилади.

Жўхори қандай мақсадларда фойдаланиш учун экилганлигига қараб азот ва фосфор миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш мумкин. Агар жўхори дон учун экилган бўлса, фосфор ўғити миқдорини кўпайтириб, азот ўғити миқдорини камайтириш, аксинча жўхори кўк поя учун экилган бўлса азот миқдорини кўпайтириш мумкин.

Жўхори бегона ўтлардан тоза бўлган ерларни хоҳлайди. Жўхори экиш учун ер кузда 27-30 см чуқурликда чимқирқарли плуг ёки икки ярусли плуг ёрдамида шудгор қилинади. Эрта баҳорда тупроқда нам сақлаш мақсадида шудгор борана қилинади. Экишдан олдин ҳам борона ва сўнгра мола босилади.

Б) Жўхорини экиш: экиш муддатлари, уруғ ни экишга тайёрлаш, экиш усуллари ва меъёри.

Жўхори маккажўхорига нисбатан кечроқ яъни тупроқ харорати 13-15⁰ иссиқликка етганда экилади. Ўзбекистонни жанубий вилоятларида жўхори март ойларининг охири апрел ойининг бошларида экилади. Ҳимолий худудларда май ойининг бошларида экилади. Ўзбекистоннинг марказий туманларида апрел ойининг иккинчи ярмида экилади.

Жўхори экишда уруғлик сифатига эътибор бериш керак. Чунки унинг уруғи аксарият униб чиқиш даражаси паст бўлади.

Уруғлик жўхори рўвакларда сақланиши керак ва экишдан олдин уни янчилади. Бунда ҳам биринчи янчишдан чиққан уруғлар экиш учун олиниши керак. Чунки битта рўвакни ўзида уруғлар сифат жихатидан ҳар хил бўлади. Биринчи янчишдан олинган эрта етилган бўлиб, йирик, вазминдор бўлади. Лекин шунга қарамай янчилган уруғ сараланиши керак. Сараланган уруғбошқа донли ўсимликларни уруғига ўхшаш дориланади.

Жўхори кенг қаторли қилиб, қатор ораси хўжаликдаги бор техникага қараб 60,70,90 см қилиб экилади. Лекин жўхорини навига қараб ҳар хил қалинликда қолдирилади. Жўхорини кечпишар навлари бир гектар ерда 47-55 минг ўсимлик, ўртапишар навлари 60 минг ва эртапишар навларида 70 минг гача ўсимлик қолдирилади. Шунга қараб ўсимлик ораси қатор орасига қараб 10см, 15 ва 20 см да биттадан ўсимлик қолдирилади.

Жўхори кўк масса олиш учун экилганда жуда қалин қилиб яъни қатор ораси 45-50 см қилиб экилади ва рўваги пайдо бўлиши даврида ўрилади.

Жўхорини экиш усулига навига қараб бир гактар ерга сарф қилинадиган уруғмиқдори яъни экиш меъёри ҳар хил бўлади.

Жўхори дон ёки силос учун етиштириладиган бўлса ҳар гектар ерга 8-12 кг, кўк поя учун етиштириладиган бўлса 15-20 кг уруғ экилади.

Уруғни экиш чуқурлиги тупроқни механик таркибига ҳамда экиш муддатларига қараб 4-6 см бўлади.

В) Жўхорини парвариш қилиш. Тупроқ қатқолоғига қарши кураш қатор ораларини ишлаш, яганалаш, озиклантириш ва суғоришдан иборат.

Жўхори майсалари дастлабки 30-35 кун ичида жуда секин ўсади ва қатор ораларини ўт босиб кетади. Шунинг учун майсалар тўла пайдо бўгандан сўнг тез орада қатор ораларини ишлаш ва бегона ўтларни йўқотишга киришиш керак. Ўсиш даврида жўхори 2-3 марта култивация қилинади. Жўхорини кечпишар навлари ўсиш даврида 5-6 марта суғорилади.

Жўхорини қандай мақсадларда экилган бўлса, шу мақсадга мувофиқ етиштириб олиниши керак. Кўклигича молга едириш мақсадида экилган бўлса жўхорини рўвак чиқарган даврида, силос учун экилган бўлса сут-мум пишиш даврида, дон учун экилган жўхори эса дони тўла пишиб етилгандайиғилади.

Адабиётлар:

1.Г.С.Пасўпанов Растениеводство, М.Колос. 1997, 198-202 б..

2.Х.Н.Атабаева, З. Умаров, Х.Ч.Бўриев ва бошқалар Ўсимликшунослик, Т.Мехнат-2000, 97-104 б..

3.В.Н. Чирков. Дон экинлари Т. Ўқитувчи 1975 111-116 б.

Лаборатория машғулоти № 6

Биринчи гуруҳ дон экинлари уруғининг униб чиқиш шароити

Амалий машғулот жараёнида буғдой, арпа, сули, жавдар, тритикале экинларининг уруғи термостатларда экилади, кузатилади.

7 Мавзу: Шолини етиштириш технологияси.

Режа:

1. Ўтмишдош, ерни тайёрлаш, экиш

2. Экинни парваришлаш ва ҳосилини йиғиш

Алмашлаб экишдаги ўрни. Шолидан юқори ҳосил олишда ўтмишдош экиннинг ўрни жуда катта. Шоли алмашлаб экишда дуккакли ўтлардан, дондуккакли ва донли экинлардан кейин экилиши керак. Ўзбекистон шароитида шолига яхши ўтмишдош экин дуккакли ўтлардан беда, қизил беда, дондуккакли экинлардан кўк нўхат, соя, мош ва донли ўсимликлардан буғдой, арпа ҳисобланади.

Ерни экишга тайёрлаш. Шоли экиш учун ерни экишга тайёрлаш кузги шудгорлашдан бошланади. Ерларни кузда шудгорлаш шоли ҳосилдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Кузда ернихусусиятига қараб 27-30 см чуқурликда икки ярусли плуг билан ҳайдаш керак. Баҳорда текислаш учун зич-зич борона тиркалган мола бостирилади ва бир йўла ғалтаклаш (катак юргизиш) ва билан олиб борилади. Ерни экиш олдида ишлаш марза, четларни гредерларда ёки текислагичларда текисланади. **Ўғитлаш.** Шоли ҳамма ўғит турларига – азотли, фосфорли ва калийли ўғитларга талабчан. Гектаридан 40-50 цдан ҳосил олиш учун Қорақалпоғистонни янги ўзлаштирилган ерларида, Фарғона водийсида ва Сирдарё соҳилларида 100-120 кг азот ва фосфор солинади. Кейинчалик бу икки ўғитдан гектарига 120-150 кг ва 70-90 кг калий берилади.

Эскидан ҳайдалиб келинаётган ўтлоқ тупроқларга ҳар гектарига 180 кг азот, 120 кг фосфор ва 90-100 кг калий берилади.

Экиш. Экиш учун ишлатиладиган шоли уруғи экишдан олдин махсус машиналарда тозаланган бўлиши ва давлат андозасига жавоб бериши керак. Шоли тупроқ ва сув ҳарорати 12* С иссиқликка етганда, яъни совуқ бўлиш хавфи ўтиб кетгандан сўнг экилади. Лекин асосан тупроқ ва сув ҳарорати 14-18* С га етганда экиш ёппасига бошланади. Шоли экишни ниҳоятда қисқа муддатларда, узоғи билан 10-15 кун ичида тугаллаш лозим. Шоли машиналарда оддий усулда, қаторлаб ва ёппасига-сочма қилиб экилади. Сув бостирилмай қолган қатор ораларига 15-17 см қилиб ёппасига қаторлаб сеялкаларда экилади. Бунда уруғ 1-2 см чуқурликка кўмилади. Сўнгра сув

бостирилади. Қўлда сочма қилиб экишда уруғ сувга сепилади ва сув лойқалатилади. Сув тўхтатилгандан сўнг уруғ лойқа сув билан кўмилади. Сўнгра сув бостирилади. Қўлда сочма қилиб экишда уруғ сувга сепилади ва сув лойқалатилади. Сув тўхтатаилгандан сўнг уруғ лойқа сув билан кўмилади ва майса ҳосил бўлганда сув бостирилади. Сув ўсимликни ўсиш даврини охиригача сақлаб турилади. Фақат ўсимлик баландлигига қараб сувни қалинлиги хар хил бўлади.

Бундан ташқари уруғни тупроқни табиий намига сеялкалар ёрдамида экиб ундириб олиш ҳам мумкин. Бу усул Қорақолпоғистон ва Хоразм вилоятида йирик суғориш майдонларида қўлланилади. Уруғ4-5 см чуқурликка дон сеялкасида экилиб майса ҳосил бўлгандан сўнг полларга сув бостирилади. Бу усул прогрессив усул ҳисобланади. Шолини самолётда ҳам экиш мумкин. Шолини экиш меъери ўсимликларни кўчат қалинлигини белгилайди. Экиш меъери шоли навининг биологик хусусиятларига, тупроқнинг унумдорлигига, экиш муддатига ва усулларига боғлиқдир.

Ўзбекистон шароитида гектарига 5-7,5 млн. дона/га шоли экилганда яъни хар м² ерда ўримга қадар 250-350 туп атрофида ва 450-500 та унумдор рўвакли поя бўлган тақдирда шолидан мўл ҳосил олинади.

Экиш меъери уруғликнинг вазнига қараб белгиланадиган бўлса бу кўрсаткич уруғнинг хўжалик жихатдан 100% яроқлилигига ва 1000 дона уруғнинг вазнига қараб ҳисоблаб чиқилади.

Шолини парвариш қилиш. Шолини парвариш қилиш бегона ўтларга қарши кураш, озиклантириш ва суғоришдан иборат.

Ўзбекистон шароитида умумий сув бостириб суғориш усули қўлланилади. Бунда шоли экишдан олдин ёки экиб бўлиш биланок, полларга сув бостирилади ва донининг мум пишиқлик давригача шу ҳолатда сақланади. Суғоришнинг бу усули қисқа муддатда бўлса ҳам сув тўхтаб қолиши уруғнинг униб чиқишига халокатли таъсир этадиган ҳолларга олиб келишидан сақлайди. Ўзбекистондаги шоликор хўжаликларида хозиргача ана шу усул қўлланилиб келинади.

Бундан ташқари шоли экиладиган шолини қисқа муддат сув бостириб суғориш усули ҳам қўлланилади. Бу усул уруғни машинада экишда қўлланилади. Уруғэкилгандан сўнг полларга дархол сув бостирилади ва 3-5 кунгача сув қатлами 5-6 см чуқурликда сақлаб турилади. Сўнгра сув тўхтатилади. Уруғуниб чиққандан сўнг сув бостирилиб охиригача шоли сувда ўсади.

Шолини кўчат қилиб экиш. Шоли кўчат усулида етиштирилганда уруғни экканга нисбатан кўпгина афзалликларга эга.

1. Шоли уруғи кўчатхонага экилиши муносабати билан кеч кузга келмасдан йиғиштириб олиш имконияти туғилади.

1. Кўчат усули хар ердан унумли фойдаланиб, икки марта ҳосил олишга имкон беради.

2. Шоли уруғи 60-70% иқтисод қилинади.

3. Шолининг ўсув давриниг 30-35 куни кўчатхонада ўтиши муносабати билан сув сарфи 20-25% тежаллади.
4. Шоли хосилдорлиги эса уруғ билан экишга нисбатан 15-30% юқори бўлади.

Шолини бу усули такрорий экин сифатида экишда қўлланилади. Бунда кўчатхоналарга 20-30 майда уруғэкилади. Асосий майдонга 20-30 июнда кўчат кўчириб ўтказилади. Бунда кўчатхоналарга гектар хисобида 20-20 дона уруғ ёки 650-750 кг шоли уруғи сепилади. Агар шоли кузда экиладиган бўлса уруғлик шолини танлаб олиб экилади. Кўчатхонада шоли ниҳолини олишда сув режимига риоя қилинади. Кўчатхонада шоли 30-40 кунлик муддатда кўчат қилиш учун тайёр холга келади. Кўчатлар асосий майдонга бир уяга 1-2 та қилиб экилади. Уя оралиги 10-15 см бўлиши керак. Кўчат қилингандан сўнг сув бостирилади.

Хосилни йиғиштириб олиш. Шоли хосилини йиғиштириб олиш учун дала шунга тайёрланиши керак. Шоли дониниг сут пишиш даврида полларга кирадиган сув камайтирилади ва мум пишиш даврида умуман тўхтатилади. Доннинг 85-90% тўла пишиш даврида шолини ўришга киришилади. Шоли кечки муддатларда ўрилса дониниг тўкилиши натижасида хосил камаяди ва шоли узоқ вақт туриб қолса дониниг сифати пасаяди.

Шоли олдин махсус машиналарда ўрилади. Ўриш баландлиги 15-20 см бўлади. Сўнгра даладан қуритилгандан сўнг комбайнларда янчиб олинади.

Адабиётлар:

1. Шоличиликда сувдан тежаб фойдаланиш бўйича тавсиялар-Т.Меҳнат,1998, 9 б.
2. Ўзбекистонда шоли етиштириш бўйича услубий кўрсатма-Т.Меҳнат,1998, 34б.
3. Lim -Moo Sang -Lecture note on rice technology under temperate zone. T.TSAU,2002, p.384
4. Д.Зауров,М.Сборҳикова-Рисоводство,Т.Меҳнат, 1989,268с.

Лаборатория машғулоти № 7

Маккажўхорининг технологик картасини тузиш

Амалий машғулот жараёнида маккажўхоридан дон ва силос олиш учун етиштириш технологиясини картаси тузилади, бунда режалаштирилган хосил эътиборга олинади.

8 мавзу Тариқ ва маржумак етиштириш технологияси.

Режа:

1. Тариқ етиштириш технологияси
2. Маржумак етиштириш технологияси
 1. Тариқ ўтмишдошга талабчан ўсимлик, чунки ўсув даврини бошланишида жуда секин ўсади ва фузариозом ҳамда гельминтоспориозом

зарарланиши мумкин. Тариқ учун яхши ўтмишдош бўлиб бурчок, нўхат, кўк нўхат, беда, жўхори ва полиз экинлари ҳисобланади. Ўзбекистонда такрорий экин сифатида экилганда кузги дон экинларидан

Ўтмишдош экиннинг ҳосили йиғилгандан кейин дала суғорилади, хайдалади. Баҳорда борона қилинади, экишдан олдин култивация ўтказилади, бунда бегона ўтлардан дала тозаланади, кейин мола юргизилади. Тариқ 1 ц. дон етиштириш учун 3 кг азот, 1,4 кг фосфор ва 3,4 кг калий сарфлайди. Майсаланиш-тупланиш даврларида тариқ 7-15% унсурларни ўзлаштиради. Тупланиш-гуллаш даврларида 65% ва гуллаш-пишиш даврларида 20% унсурларни ўзлаштиради. Шу хусусиятларини ҳисобга олиб ер хайдашгача 30 кг фосфор ва 30 кг калий солинади. Экиш билан бирга 15 кг NPK тупроқга солинади. Тупланиш-гуллаш даврларида 30-50 кг азот ва 20-30 кг фосфор солинади.

Экиш учун ГОСТ талабига жавоб берадиган уруғлар ажратиб олинади. Уруғ куюга қарши ишланади. Уруғнинг унувчанлиги 95% ва тозаллиги 99% бўлиши керак. Тупроқ 10 см чуқурликда 12-15°C исиганда экиш мумкин. Такрорий экин сифатида июн-июл ойларида экилади. Унумдор тоза тупроқларга оддий қаторлаб, сув кам, унумдорлиги паст тупроқларда кенг қаторлаб, қатор ораси 45-60 см, ўсимли ораси. Кенг қаторлаб экилганда гектарга 1,5-2,0 млн., оддий қаторлаб экилганда 2-4 млн. дон уруғ 3-5 см чуқурликга экилади.

Кенгқаторлаб экилганда қатор ораси 2-3 мартаба ишланади, оддий қаторлаб экилганда қатқалоқга қарши борона қилинади. Тупланиш ва най ўраш даврида суғорилади. Суғориш меъёри 600-800 м³. Пишиш рўвакнинг юқорги қисмидан бошланади. Бир рўвак 10 кунда пишади. Рўвакда 75% дони етилганда ҳосилни йиғиш мумкин. Кеч ҳосил йиғилса дони тўкилади.

2. Маржумак кузги дон экинлари, дон-дуккакли, техник экинлар, шоли, соя, мошдан бўшаган ерларга экилади. Маржумакдан кейин донли, мойли экинлар ва картошкани экиш мумкин.

Маржумак баҳорда ва ёзнинг охирида анғизга экилади. Ўтмишдош экиннинг ҳосили йиғилгандан кейин далада чизел юргизилади, кейин хайдалади, баҳорда борона юргизилади. Такрорий экин сифатида экилганда, аввал суғорилади, кейин ер хайдалади, чизел юргизилади, борона юргизилади ва талаб қилинса мола босилади.

Бир центнер дон етиштириш учун 4,4 кг азот, 2,5 кг фосфор, 7,5 кг калий сарфланади. Гуллаш давригача 61% азот, 62% фосфор, 40% калий сарфланади. Ўзбекистонда бу масала яхши ўрганилмаган. Ўртача 10 т. органик ўғит, 100-150 кг азот ва фосфор ва 50-70 кг калий солинади. Бу меъёр ер хайдаганда, экишдан олдин ва ўсув даврида қўлланилади.

Уруғлик сифатида меваси-ёнғоқчалар экилади. Ёнғоқчалар сараланади, тозаланади ва касалликларга қарши ишланади. Экиш муддатини шундай қилиб танлаш керакки, гуллаш даврида харорат 25°C дан ошмаслиги керак. ТашДАУ тажриба хўжалигида 10 августда экилганда 17 ц. дон олинган. (Атабаева). Маржумак кенг қаторлаб ва оддий ёппасига қаторлаб

экилади. Гектарига 45-100 кг уруғ экилади ёки 2-5 млн. дона уруғ экилади. Экилгандан кейин қатқалоқ ҳосил бўлса борона юргизилади. Гуллаш даврида 1-2 мартаба култивация ўтказилади. Гуллар яхши чангганиши учун далага асал ари уйлари қўйилади. Дон ҳосили 5-8 ц.га ошади. Ўсув даврида экин 3-4 мартаба суғорилади, суғориш меъёри 700м³. Меваларнинг 75% етилганда ҳосил дон комбайнлари билан йиғилади.

Адабиёт:

1. Х. Атабаева-Ўсимликшунослик-Т. Мехнат, 2000, 275с.

2. Х. Атабаева, М. Галипов- Опёт возделывания гречихи в Ташкентской области -Ж.С-х. Узбекистана, 1995, 5, с.24.

Лаборатория машғулоти № 8

Маккажўхори-янги нав ва дурагайларининг тавсифи

Машғулотда маккажўхори экиннинг янги нав ва дурагайлари билан танишилади, сўталар таҳлил қилинади. fffffffffff

9- майруза мавзуси: “Дон-дуккакли экинлар ва соянинг етиштириш технологияси.”

Режа:

1. Дон-дуккакли ўсимликларни умумий тавсифи.

2. Соянинг етиштириш технологияси

1. Дон-дуккакли ўсимликларни уруғини таркибида оқсил моддаси кўп бўлади. (29-41%). Поясининг таркибида ҳам донли ўсимликларга нисбатан оқсил моддаси кўп бўлади.

Донли ўсимликлардан яна фарқи шундан иборатки, бу ўсимликларни илдиз системаси ўқ илдиз бўлиб 1-2 м чуқурликка кетади. Илдизида тўганак бактериялар ривожланиб улар соф азотни тупроққа йиғади. Баргининг тузилиши бўйича бу ўсимликлар 3 гуруҳга бўлинади. лекин хаммасида мураккаб барг.

1. Патсимон баргга эга бўлган ўсимликлар. Булар жуфт ёки тоқ патсимон барг бўлади. Булар ясмиқ, бурчоқ, нухат ва бошқалар.

2. Уч бўлакли баргга эга бўлган ўсимликлар – соя, ловия.

3. Панжасимон баргли ўсимликлар-люпин.

Ер юзида дон-дуккакли ўсимликлар 135мл гектар ерга экилади. Кўпроқ соя, ясмиқ, кўк нўхат, нўхат экилади. Ўзбекистонни суғориладиган ерларида ловия, соя мош, лалми ерларда нўхат қадимдан экиб келинмоқда. Булар такрорий экин сифатида кўп экилади.

Дуккакли экинлар нам севар, уруғини бўртиши учун 100-120% сув сарфлайди. Ўсув даврида сувга бўлган талаби шоналаш, гуллаш даврларида ошади. Ёруғликга бўлган талаби бўйича бу экинлар икки гуруҳга бўлиниб қисқа ва узун кунли ўсимликларга бўлинади. Донли экинларга нисбатан озиқага талабчан.

Дуккакли-дон экинларнинг ташқи муҳитга талабига асосланиб етиштириш технологияси тўғри қўлланилади.

2. Соянинг етиштириш технологияси.

Соя ўсимлиги озиқ-овқат, ем-хашак, техника ва агротехника ахамиятига эга. Соядан жуда кўп махсулотлар олинади, У кондитер саноатида, қандолат ишлаб чиқаришда ҳам ишлатилади. Соянинг бундай ишлатилиши унинг уруғини таркибида 30-52% оқсил, 17-27% ёғ бўлишидир.

Соянинг ватани жанубий шарқий Осиё. Хитойда эрамиздан 4 минг йил олдин маълум бўлган. Қадимдан соя Хиндистон, Япония, Корея, Ветнам, ва Индонезияда экилиб келинган. Ер юзида унинг экин майдони 73,55 млн гектарни ташкил қилади. Ўзбекистонни сояга охирги йиллари эътибори ошди. Чунки у ҳам баҳорда ҳам такрорий экин сифатида экилади. У Ўзбекистонда 25-30 центнер гача ҳосил беради.

Соя ғўза, каноп, шоли, маккажўхори, жўхори ва бошқа экинлардан кейин ва кузги донли экинлардан кейин такрорий экин сифатида экилади. Ер бошқа дон-дуккакли экинларга ўхшаш тайёрланади. Соя экиш учун ер кузда 22-25 см чуқурликда хайдалади. Баҳорда борона қилинади, экиш олдида култивация ўтказилади, кейин борона юргизилади ва талаб қилинса мола босилади. Ўғитлаш меъёри: 10-15 т. органик ўғит, 100 кг фосфор, 50 кг калий. Экишдан олдин 20-30 кг азот, экиш билан бирга 10-15 кг NPK солинади ва ўсув даврида 30-50 кг фосфор ишлатилади. Соя апрел ва июн ойларида кенг қаторлаб, қатор ораси 60-70 см қилиб экилади, бир гектар ерда 350-550 минг дона уруғ экилади ёки 60-100 кг.га экилади. Экиш учун сараланган, Давлат андозаларига жавоб берадиган уруғ экилади. Ўзбекистон тупроқларида соя ўсимдигига мослашган ризобиум бактериялари кам учрайди, шунинг учун соя уруғи экишдан олдин ризоторфин ёки бошқа турдаги нитрагин ўғити билан қопланади. Ўсиш даврида қатор оралари 2-3 марта култивация қилинади. Бегона ўтларга қарши экишдан олдин трефлан қўлланилади. (1-1,5 кг /га). Майсаланиш даврида 1,5-3 кг базагран қўлланилади. Соя экини десикация қилинади, бунда 20 кг хлорат магний ишлатилади. Десикация дуккакнинг 45-55% етилганда ўтказилади. Сояни дон хосили дон комбайнларида йиғиб олинади.

Адабиётлар:

1. Г.С. Посўпанов – Растениеводство, М. Колос. 1997, 183-192 б.
2. Х.Н. Атабаева, З. Умаров, Х.Ч. Бўриев ва бошқ. – Ўсимликшунослик - Т. Мехнат-2000, 104-117 б.
3. Х.Н. Атабаева. Технология возделывания сои в Узбекистане Т. 1989 г., 65 б.

А)Нўхатни етиштириш технологияси.

